

Кўрик-танлов

НАВБАТ – РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Юртимизнинг барча гушаларида тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларимиз ҳаёти, соғлиги, мол-мулк хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимлари, айниқса, жойлардаги профилактика инспекторларининг ҳиссаси беқиёс. Айни кунда республикамизда 3500 дан ортиқ милиция таянч пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Қувонарлиси, мазкур масканларнинг уч мингга яқинида маҳалла кўмиталари, яраштириш комиссиялари, хотин-қизлар кўмитаси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонлар билан бир бинода баҳамжихат фаолият олиб боришмоқда. Шунингдек, уларда спорт майдончалари, кичик бизнес марказлари ва бошқа касбга йўналтирувчи тўғарақларнинг мавжудлиги аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини фойдаланишларида жалб қилишда муҳим ўрин тутмоқ-

да. Ҳар бир милиция таянч пункти қошида барпо этилган барча кулайликларга эга инфратузилмалар ҳудуднинг ободонлиги, турмуш фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилапти.

– Ички ишлар идораларида ўтказилган ислохотлар натижасида профилактика хизматининг моддий-техника таъминоти мустаҳкамланиб, ходимларнинг касбий тайёргарлиги ошириб боришмоқда, – дейди ИИБ ҲООбБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ганишер Эшонқулов. – Натижада уларнинг тезкорлиги, ҳаракатчанлиги ва ўзига бўлган талабчанлиги, масъулият ҳисси ортиб, жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларнинг фош этишда ижобий ютуқларга эришилапти. Профилактика инспекторларининг хизматлари халқнинг кўз ўнгиде бўлганлиги, фуқаролар ишончини нечоғли оқлагани, ҳудуддаги тезкор вазиятни яхшилаш учун жамоатчилик билан ҳамкорлиги қай даражада эканлигини баҳолаш,

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳушёрликни оширишда жамоатчилик диққат-эътиборини, фаоллигини янада кучайтириш мақсадида ҳар йили анъанавий «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичлари якунланиб, ғолибликни қўлга киритган милиция таянч пунктлари, профилактика инспекторлари якуний танловга йўланма олишди. Санокли кунлардан сўнг кўрик-танловнинг республика босқичи ўтказилиб, тузилган ишчи гуруҳи аъзолари томонидан уларнинг энг яхшилари танлаб олинди. Фахрий ўринларга лойиқ деб топилганлар автомашина, қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди. Ҳар йилгидек бу йилги танлов ҳам тўрт босқичда ўтказилди. Танловда белгиланган номинациялар бўйича совриндорлар ҳам махсус таълаблар асосида белгиланди.

Мухаббат ИБРАГИМОВА.

ЖИЗЗАХ. Кўрик-танловнинг вилоят босқичида Жиззах шаҳри, Зафаробод, Зарбдор, Дўстлик ва Мирзаҷул туманларидаги милиция таянч пунктлари иштирок этди. Комиссия Зарбдор туманининг энг чекка Адиробод қишлоғида жойлашган 96-милиция таянч пунктини ғолиб деб топди. Таянч пункти ёнида тикув цехи, сартарошхона, дорихона ишлаб турибди. Шунингдек, қишлоқ врачлик пункти ҳам фаолият юритади. Ёшлар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш учун спорт тўғарақлари ташкил этилган. Утган йили содир этилган иккита жиноят «иссик изида» бевосита профилактика катта инспектори, катта лейтенант Ўткир Эсиргаповнинг саъй-ҳаракатлари билан очилди.

Кўрик-танловда Жиззах шаҳридаги 11-МТП иккинчи ўрин, Зафаробод туманидаги 104-милиция таянч пункти учинчи ўринни эгаллади.

Баҳодир БЕГИМКУЛОВ.

ТОШКЕНТ вилояти ҳудудида тинчлик-осойишталикни сақлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларда профи-



Суратда: Нарпай туманидаги ғолиб деб топилган 164-милиция таянч пункти.

САМАРҚАНД. Бугун ҳар бир маҳаллада ҳудуд тинчлиги, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқий масалаларда маслаҳат ва йўл-йўриқлар беришга тайёр ички ишлар ходимлари, аниқроғи, профилактика инспекторлари хизмат олиб боришмоқда. Улар ўз фаолиятларини маҳалла оқсоқоллари, яраштирув комиссияси, хотин-қизлар кенгаши, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонлар билан ҳам-хизматчиликда ташкил этишган.

Вилоят миқёсида ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловида зиммаларига юклатилган ана шундай масъул вазифаларни аъло даражада уйдлаётганлар сараланди. Биринчи ўрин – Нарпай туманида жойлашган 164-милиция таянч пунктига насиб этди. Иккинчи ўринга Самарқанд шаҳар Хўжандий маҳалласидаги 47-милиция таянч пункти, иккита учинчи ўринга эса Ургут тумани Камардон маҳалласидаги 301-МТП ва Каттакўрган тумани Каттаминг маҳалласидаги 2-милиция таянч пункти муносиб топилди.

ТЕРМИЗ. «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловида Термиз шаҳар Раёно Узоқова номи маҳалла аҳлига хизмат кўрсатувчи 5-милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Масканда профилактика инспектори, лейтенант Зўҳридин Амиров ёш бўлишига қарамай, фуқаролар билан тезда тил топилди. Маҳалла раиси А. Набиев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ж. Тилова, яраштириш комиссияси раиси Т. Ҳалимова, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари З. Шоимқуловлар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйганлиги боис маҳалла тинч, аҳоли тотув ҳаёт кечирмоқда.

Абдурашул ХУЖАМКУЛОВ, майор.



Суратда: Зарбдор туманидаги 96-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, катта лейтенант Ў. Эсиргапов ва туман ИИБ ҲООб ВЕОХООГ инспектори, капитан Ў. Жўраев маҳалла фаоллари билан.

НАМУНАЛИ ОБОД

МАСКАНЛАР

Республикамиз вилоятларида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Қуйида кўрик-танлов якунларига доир хабарлар билан танишасиз.

ҚАРШИ. «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида воҳанинг шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган, замонавий услубда бунёд этилган милиция таянч пунктларининг профилактика инспекторлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбарлари иштирок этишди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, Қарши шаҳар Хонтепа маҳалласидаги 290-милиция таянч пункти 1-ўринга лойиқ топилиб, профилактика катта инспектори, капитан Б. Қобиловага компьютер жамламаси топширилди. 2-ўринни қўлга киритган Нишон тумани Нуристон шаҳарча фуқаролар йиғинидаги 252-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант О. Жаборовага рангли телевизор ва DVD плеер тақдим этилди. 3-ўрин эса Деҳқонobod тумани «Бибиқорасон» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 244-милиция таянч пунктига берилиб, профилактика инспектори, капитан Н. Менглиев рангли телевизор ва қимматбаҳо гилам билан тақдирланди.

Бундан ташқари, танловнинг «Махоратли ва матонатли профилактика инспектори» номинациясида

Китоб тумани ИИБ ҲООб 214-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Қ. Шўкуров, «Бирдамлик ва ҳамжihatликда фидойи маҳалла оқсоқоли» деб Шаҳрисабз тумани «Камолот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р. Эшпўлатов, «Ёшлар ҳуқуқлари ҳимоячиси» деб Қосон тумани ИИБ ҲООб ВЕОХООГ катта инспектори, майор О. Атоев, «Тинчлик ва осойишталикда ташаббуслар маҳалла посбони» деб Яқкабоб тумани «Жайчи» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари А. Раҳимов, «Маърифий-маънавий етакчи маслаҳатчи» деб Қосон туманидаги «Мудин» маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси З. Имомова, «Ижтимоий фаол ва ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси» деб Муборак тумани «Сариқ» қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар комиссияси раиси Ў. Санаева, «Оқибатли ва муросали яраштириш комиссияси» йўналишида Қарши тумани «Нукрабод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси И. Исмоиловлар ғолиб деб топилди, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

СОДИҚ РАҲИМОВ.



Суратда: Қарши шаҳар ИИБ ҲООб 290-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Б. Қобилова, «Хонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ф. Маманов ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи З. Бойматовалар.

УРГАНЧ. Хоразм вилояти ИИБда «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблик эълон қилинди. Бунда Хива туманидаги Янгиобод шаҳарчасининг Гулирайхон маҳалласида жойлашган 71-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, капитан Улуғбек Тангрибергенов) ғолиб деб топилди ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан пул муқофоти билан тақдирланди. Янги-

бозор туманидаги 131-милиция таянч пункти (профилактика инспектори, капитан Юсуф Утамуратов) иккинчи, Гурлан туманидаги Ошимжирон қишлоғида жойлашган 119-милиция таянч пункти (профилактика катта инспектори, капитан Олимбой Йўлдошев) учинчи ўринни эгаллашди ва энг кам иш ҳақининг 40 ҳамда 25 баробари миқдоридан пул муқофоти билан тақдирланди. Шунингдек, тадбирда «Энг фаол милиция таянч пункти профилактика инспектори» номинацияси бўйича Урганч шаҳар ИИБ ҲООб профилактика катта инспектори, майор Ҳажибой Болтаев, «Энг фаол вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори» номинацияси бўйича Хива тумани ИИБ ҲООб ВЕОХООГ инспектори, лейтенант Одилбек Сапов, «Энг фаол маҳалла посбони жамоат тузилмаси сардори» номинацияси бўйича Хива туманидаги Гулирайхон маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Сергей Ефремовлар ғолиб деб топилди.

Худойберган ЖАБОРОВ.

ГУЛИСТОН. Сирдарё вилоятида айни кунларда 98 та милиция таянч пунктлари фаолият юритапти. Анъанавий кўрик-танловга ўндан ортиқ милиция таянч пунктлари тақдим этилди. Танлов комиссияси қарорига биноан Янгиер шаҳридаги Шодлик маҳалласида жойлашган 98-милиция таянч пункти ғолиб, деб топилди. Бу маскан ўтган йили тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Профилактика инспектори, капитан Фарҳод Ҳамидов шу лавозимга тайинлангандан буён ҳудудда жиноятчилик кескин камайди. Утган йили милиция таянч пункти ёнида болалар учун спорт майдончаси қурилди. Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан баҳамжихатликда иш юритилаётгани боис оилавий жанжаллар камайди. Бу эса ўз-ўзидан жиноятчиликнинг камайишига олиб келди.

Иккинчи ўринга Гулистон туманидаги 62-милиция таянч пункти, учинчи ўринга эса Гулистон шаҳридаги 3-МТП лойиқ, деб топилди.

Назиржон ЙўЛДОШЕВ.

Профилактика хизмати

Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти билан чегарадош. Мазкур ҳудудда аҳоли тинчлиги ва осойишталигини сақлаш 16 нафар профилактика инспекторининг зиммасида. Тумандаги 22 та жамоат тартибини сақлаш масканларида ички ишлар ходимлари билан бирга маҳалла посбонлари, жамоатчилик вакиллари кечаяқ кундуз хизмат ўташи йўлга қўйилган.

3. Исроилов яқинда амнистия туфайли жазони ўташ жойидан озод қилинди. Унга моддий ёрдам кўрсатилиб, фермер ҳўжалигига ишга жойлаштирилди.

«Тозалаш-Антитеррор» тадбири ўтказилаётганда паспортининг амал қилиш мuddати

ўташ алоҳида масъулият талаб қилади, – дейди лейтенант З. Қўчқоров. – Ҳушёрлигимиз, зийраклигимиз маҳалла, қишлоқ, қолаверса, тумандаги тинчлик ва осойишталикни таъминлаш имконини беради. Олдимизга қўйилган вазифаларни ҳалол, виждонан бажариш бурчимиздир.

Лейтенант З. Қўчқоров Хўжаобод туманида туғилиб, ўсди. 2003 йилда Андижон давлат университетини тугатиб, бир мuddат қишлоқ мактабда ўқитувчилик қилди. Орадан икки йил ўтгач, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг Сержантлар тарихини тайёрлаш бўйича олий курсларини тугатиб, Андижон шаҳар ИИБ жазони ижро этиш бўлинмаси инспектори, ИИБ алоҳида сафарбарлик отряди командири ўринбосари бўлиб ишлади. 2008 йилдан эса профилактика инспектори лавозимда фаолият кўрсатмоқда. Қисқа вақт ичида аҳолининг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Ана шундай фидойи осойишталик посбонларимиз фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктларида фаоллар ва кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик ўрнатилгани боис жиноятлар тобора камайиб бормоқда.

Борис КЛЕЙМАН. Андижон вилояти.

ОРОМ БИЛМАС ҚАЛЪ


Ўзига бириктирилган ҳудуд осойишталигини таъминлаш профилактика инспекторлари зиммасига катта масъулият юклайди. Айниқса, чўл ҳудудларида хизмат ўтаётган осойишталик посбонлари янада фаолроқ бўлишлари талаб этилади. Чунки бу ерда аҳоли асосан чорва моллари боқади. Шу боис бу ерда мол ўғирлиги жиноятлари кўпроқ учрайди.

Миришкор тумани қишлоқлари чўл билан тутшиб кетган. Ана шу жиҳатни ҳисобга олган профилактика инспекторлари жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш билан бирга чорва моллари ўғирлигининг олдини олиш, содир этил-

бошлаганига бир йилдан ошди. Ана шу қисқа вақт ичида ўз касбининг сирасорларини пухта ўрганди. Фуқароларнинг яқин кўмақдоши, яқин маслаҳатчисига айланди. Янги Миришкор маҳалласи фаоллари билан ҳамкорлиги фуқароларнинг қўллаб муаммолари шу ернинг ўзида ҳал бўлиши, турли оворгарчиликлар барҳам топишида қўл келди.

Дилшод Муродов Жейнов қишлоғида содир этилган иккита ўғирлик жиноятини «иссик изида» фош этди. Ундаги соҳага бўлган қизиқиш, интилувчанлик ва фидойиликни сезган раҳбарият Дилшод Муродов туман марказига профилактика инспектори этиб тайинлади. Мана, бир неча ойдириқ, шу ерда фаолият кўрсатмоқда. Яқинда ўз ҳудудида бир неча жиноятларнинг фош этилишида жонбозлик кўрсатди. – Дилшодбек чакқон ва зийрак йигит. У аҳоли ўртасидаги келишмовчиликларни адолатли ҳал этиб ҳақиқат оғирингизни енгил қилади. Ҳуқуқий

Р. содиқов. Қашқадарё вилояти.



ЧЕГАРА ҲУДУДИДА ОСОЙИШТАЛИК

салари мавжуд. Фуқаролар меҳнатқаш, меҳнат билан топилган бойликнинг қадрига етadиган. Шу боис ҳудудда ҳуқуқбузарликлар деярли кам. «Янги Фарғона» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ж. Мирзакаримов, «Тўраобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Қодиров, «Фақирқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш. Ганиев, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари раҳбарлари А. Тўланов, Ё. Обидов, Н. Мирзакаримовлар бизнинг яқин кўмақчимизга айланган.

Профилактика инспектори жазо мuddатини ўтаб қайтган шахсларни иш билан таъминлаш борасида ҳам маҳалла фаолларига суяниб иш кўради. Масалан, Янги фарғоналик

Хотира уйгонса гўзалдир

НУРОТАДА БИР УЙ БОР...

Гоҳ гаму ташвишли, кўз ёшли Аёл, Садоқатда тоғдек бардошли Аёл.

Баланд тоғлар оша бош кўтараётган бобоқўёш бу хонадонга ҳар тонг ўзгача меҳр ва майинлик билан заррин нурларини кўпроқ сочади...

2006 йилнинг эрта баҳорида оила бошига тушган жудодик хонадоннинг катта-ю кичигини бирдек қайғуга солди.

Она-бала шошиб, югуриб йўлга чиқди, - дейди у ўша кунги воқеаларни ёдга олиб...

Дилоромнинг кўзларидан беихтиёр ёш куйилди. Ажал билан олишадиган ёстиқдошининг ўша дамдаги оғир ҳолатини кўз олдида келтираркан...

Бир гуруҳ қуролланган ёвуз жиноятчиларни қўлга олишда қаттиқ араланган майор Олимжон Юсуповнинг аҳоли оғир эди.

Бевакт ўлим барчамизнинг қон йиғлатиб кетди, - дейди Дилором армон билан.

Унинг гам соя солган чеҳраси қалбидаги тўрт йиллик аламу изтироблар унисиз

Болалар спорти

СОҒЛОМ АВЛОД - БАРКАМОМЛИККА ҚАНОТ


Кейинги пайтларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг jisмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, уларнинг соғлом турмуш тарзига интилиши ва спортга меҳрини ошириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Болалар спортини ривожлантириш - юрт равнақи учун қўйилган пойдевордир. Келажакни ўйлаб қилинган бундай олижаноб савобли иш мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

Жумладан, ИИБ «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳам мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш учун собитқадамлик



тажрибали мураббийлар раҳбарлигида ўтказилади. Самбо бўйича тўғрақ мураббийи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Равшан Аҳмеджанов, каратэ бўйича 2-ДАН қора белбоғ соҳиби Дониёр Тошмухаммедов, тазквандо ва кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Бахтиёр Исроилов, миллий кураш бўйича спорт устаси Олим Норов, дзюдо бўйича Елена Тулупова, теннис бўйича катта мураббий Гулчехра Таймуратовалар шулар жумласидир.



Олов - тилсиз ёв


ТАМАКИ ЧЎҒИ КУЛФАТ КЕЛТИРДИ

Икки йил аввал Янгибозор қўрғонида содир бўлган кўнгилсиз воқеани Юқоричирчиқ тумани аҳолиси ҳеч қачон қайта такрорланишига йўл қўймас керак, деб қўпчилик умид қилганди.

Ёнгин сабаби ўрганиб чиқилганда фуқароларнинг иккиси ҳам маст ҳолда тамаки чекиб, ўлаб қолгани аён бўлди. Ваҳоланки, шу хонадонлардагилар ёнгин ўчирувчилар томонидан бир неча марта огоҳлантирилган, маҳалла фаоллари, ён-атрофдаги қўшниллар ҳушёрликка чақирилганди.

Бундай хунук воқеалар туман ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлинмаси ходимларини хонадонлар, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан янада фаолроқ ишлашга ундаяпти.

Бўлинма бошлиғи, майор Дмитрий Тянин таъкидлашича, жойларда маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик жалб этилган ҳолда учрашувлар ўтказилаяпти.



Нигора РАХИМОВА, майор. Навоий вилояти.

Йиғинлари худудида яшовчилар амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этишадигани тўғриси ўтган даврда кўнгилсиз ҳодисалар қайд этилмади.

Бироқ гапни гапир ўқанга, деган ибора бор халқимизда. Соҳадагилар тарғибот-ташвиқотларни қўяйтиришига қарамай кўнгилсиз ҳодисалар учраётгани ачинарлидир.

Бир сўз билан айтганда, бу борада хоҳ катталар, хоҳ ёшлар бўлсин, мансабдор ёки оддий инсон - масъулиятни сезагани кўзланган натижага эришиш мумкин.

Абдусамби ҲАҚБЕРДИЕВ. Тошкент вилояти.

КАСБИНИ АРДОҚЛАБ

Бухоро вилояти Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси марказий диспетчерлик хизматида иш кеча-кундуз тўхтамайди. Сафдор Мўҳсин Рамазоновнинг диспетчер лавозимиде хизматни бошлаганига тўрт йил бўлди.

Наргиза АЙНАЗАРОВА. Суратда: сафдор Мўҳсин Рамазонов.

СКАНВОРД

Grid for a crossword puzzle with clues in Uzbek. The grid contains numbers indicating the starting positions of words.

Болалар спортга алоҳида эътибор берилаётир. Болалар спорти бўлмаса, катта спорт ҳақида гапириш ўринсиз бўлади, деб ҳисоблайман.

Азизжон ФАЙЗИЕВ, «Постада» мухбири. Суратларда: ИИБ «Жар» спорт-соғломлаштириш маркази ҳаётидан лавҳалар. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

